



THE ROLE OF THE CITIES OF THE FERGANA VALLEY IN THE DEVELOPMENT OF INTERETHNIC TOLERANCE

D.E. Tokhtaboeva

PhD., Senior lecturer

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Interethnic Tolerance, Fergana Valley Cities

Abstract: The role of Fergana Valley cities in the development of interethnic tolerance has been highlighted in this article.

Received: 14.06.22

Accepted: 16.06.22

Published: 18.06.22

МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Д.Э. Тўхтабоева

PhD., катта ўқитувчиси

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Миллатлараро бағрикенглик, Фарғона водийси шаҳарлари

Аннотация: Миллатлараро муносабатларининг Фарғона водийси шаҳарларининг тутган ўрни масаласи ушбу тадқиқотда очиқ берилган.

РОЛЬ ГОРОДОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В РАЗВИТИИ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

Д.Э. Тохтабоева

PhD., старший преподаватель

Национальный Университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Межэтническая толерантность, города Ферганской долины

Аннотация: В статье освещена роль городов Ферганской долины в развитии межэтнической толерантности.

КИРИШ

Марказий Осиё инсоният цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан бири бўлиб, ўзига хос тарих ва маданий меросга эга. Минтақа асрлар давомида давлатлар ўртасидаги маданиятлар, тиллар ва динларнинг ўзаро таъсирини ривожлантириб шарқ ва ғарб ўртасида маданий кўприк вазифасини бажариб, уларни ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келган. XXI асрнинг бошларидан мазкур муносабатлар узвий давом этган ҳолатда бугунги кунда ушбу анъаналар тараққий этиб бормоқда. Бу борада минтақа шаҳарларидаги миллатлараро бағрикенглик муносабатларида яққол акс этган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фарғона водийси, нафақат, Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё худудида такрорланмас табиий манзараларига эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Минтақа шифобахш иссиқ минерал сувларга бой. Хусусан, Шоҳимардон, Ширмонбулок, Чортоқ, Шаханд, Косонсой, Учқўрғон, Қамбарота, Жанубий Оламушук сувлари ва булоқлари ўзининг минералланиш даражаси бўйича алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, водийда рекреация ва туризм ресурсларининг ўзига хослиги билан сайёҳларни жалб қилади. Бу ерда Шоҳимардон, Чортоқ, Хонобод каби диққатга сазовор бўлган туристик объектлар мавжуд. Мазкур шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йилларида санаторийлар такомиллашиб, уларга нисбатан эътибор янада кучайиб борди. Хусусан, Чортоқ, Косонсой, Ҳаққулобод шаҳарларида республика, вилоят аҳамиятидаги, шунингдек, хусусий санаторийлар фаолият олиб бормоқда. Бу сихатгоҳларда ҳар йили минглаб республика ва кўшни республикалардан келган кишилар соғликларини тиклайди. Косонсой туманида республика аҳамиятидаги “Косонсой”, “Фахрийлар”, “Оби ҳаёт” ва вилоят Нуроний жамғармасига қарашли “Нуроний” санаторийлари, Чортоқда республика аҳамиятидаги “Чортоқ”, “Гулшан” ва бир неча хусусий санаторийлар мавжуд. “Чортоқ” санаторийси 650 метр баландликда жойлашган бўлиб, унинг табиати, шифобахш суви кўплаб касалликларга даво бўлмоқда. Мустақилликнинг 22 йиллиги муносабати билан 3 миллиард 250 миллион сўм маб-лағга сихатгоҳнинг 5 та блокни ўз ичига олган 222 ўринли биноси қайта таъмирланиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 2016 йил туманда шифобахш сувни қадоқлайдиган “SHORTOQ MINERAL WATER” МЧЖ ишга туширилди.

Корхонанинг қуввати 3 600 000 дона қадоқланган шифобахш сувни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, маҳсулотларни асосан МДХ давлатларига экспорт қилишни кўзда тутилган. 2016 йили Чортоқда жаҳон аҳамиятидаги халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган “Chortak Resort” МЧЖ санаторийсини қуриш

ишлари бошланди. Қурилиш ишлари бўйича бош инженернинг маълумотиغا кўра, умумий ҳисобда 23 миллиард маблағ сарфланиши кўзда тутилган санаторий 15.15 гектар майдонни эгаллаган. Мазкур муассасанинг ишга туширилиши орқали 250 та янги иш ўринлари яратилади. Бугунги кунда Норин туманида “Норин” болалар соғломлаштириш оромгоҳи, “Кексалар ва ёш авлод сайилгоҳи” фаолият олиб бормоқда. 2015 йилда ушбу объектларда реконструкция ишлари амалга оширилиб, уларга 297.2 миллион сўм бюджет маблағ сарфланди.

Хонобод шаҳри нафақат, водийда балки, республикадаги хушманзара жойлардан бўлиб, табиатига қараб, уни Ўзбекистоннинг Швейцарияси десак муболаға бўлмайди. Ҳавосининг тозаллиги, чиройли табиати астма билан касалланганларга қулай жой ҳисобланади. Шаҳарнинг тепалик қисми Хонтоғда санаторий қуриш мақсадида 1999 йили Шаҳарсозлик лойиҳа институти томонидан режа ишлаб чиқилган. 2004 йилда умумий қиймати 12 миллиард 287 миллион 736 минг сўмлик 200 ўринга мўлжалланган соғломлаштириш дам олиш маскани (санаторий) қурилиши бошланиб, шундан 3 миллиард 018 миллион 910 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган. Лекин турли хил сабаблар билан иш охирига етказилмай қолиб кетди. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан санаторий қурилишини охирига етказиш, шу мақсадда уни “GM Uzbekiston” кўшма корхонаси қарамоғига бериб, завод ишчи ходимлари учун дам олиш масканига айлантириш режаси ҳам киритилган. Лекин уларнинг барчаси қоғозда қолиб кетди.

Ҳозирги кунда объектда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Келгусида ушбу сихатгоҳда Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳар аҳолиси учун алоҳида жой ажратиб берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳарда “Фозилмон ота” зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, масканининг эътиборли жиҳати Фозилмон ота булоғининг мавжудлигидир. Шунча вақтдан буён у ҳудуд аҳолисининг асосий сув манбаи ҳисобланади. Шифобахшлиги боис ўндан ортиқ касалликларга даволашда тавсия этилади. Булоқ атрофидаги 56 туп чинор дарахтлари эса асрларни қаритиб, виқор билан кўкка бўй чўзмоқда. “Фозилмон ота” зиёратгоҳи хорижлик меҳмонларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этган. Шу боис ҳам Италия, Германия, Хитой, БАА, Жанубий Корея, Россия, Украина, Беларус, Қирғизистон, Қозоғистон, каби давлатлардан ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Минтақа ўзининг тарихан хунармандчилик ривожланган шаҳарлари ҳамда айни пайтда бу ерда фаолият олиб бораётган уста-хунармандлари билан ҳам маълум ва машҳурдирлар. Ўтган йиллар мобайнида шаҳарлар архитектурасига хунармандчилик ривожланган шаҳарларда қурилган объектлар, хунармандларнинг уй-музейлари ҳам қўшилиб борди. Бу борада Риштон туманида олиб борилган ишлар диққатга сазовордир.

Хусусан, Риштон тумандаги хунармандларга кулай шароит яратиш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш мақсадида 2010 йили туман ҳокимлиги томонидан шаҳарнинг Навбахор МФЙ ҳудудидан “Бадий кулолчилик буюмлари” ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш устахоналари қурилиши учун 33 гектар ер ажратилиб, 350 оилага 6 сотихдан бўлиб берилди. Бу эса республикада ягона бўлган “Риштон хунармандлари маркази саноат шаҳарчаси”га асос солди. Кулол Тоҳиржон Ҳайдаров томонидан Қўқон – Фарғона катта автомобил йўли бўйида барпо этилган музей – ижодхона ўзининг такрорланмас сопол буюмлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Уста-кулоллар тайёрлаган маҳсулотларни маҳаллий ва хориждан келган меҳмонлар сотиб олмоқда, уларнинг уй-музейларига эса катта қизиқиш билдирмоқда. Бу эса мазкур шаҳарларда хунармандчиликнинг янада тараққий этишига сабаб бўлмоқда.

ХУЛОСА

Умуман олганда, Фарғона водийси шаҳарларида жойлашган сихатгоҳлар, миллий хунармандчилик марказлари, уй-музейлари нафақат миллий балки республикада истиқомат қилаётган кўплаб миллат вакилларининг урф-одатлари, анъаналарини тараққий этишида, миллатлараро бағрикенглик муносабатларини ривожланишида ҳамда бу анъаналарни узоқ йиллар давомида тараққий этиб боришида алоҳида касб этиб бормоқда.

Албатта, юқорида кўрсатилган шаҳарлар бугунги кунда минтақа туризмида алоҳида аҳамият касб этади. Айти пайтда минтақа шаҳарлари туризм ҳосил қилувчи объектларига кўра тарихий ёдгорликлар жойлашган кичик ва ўрта шаҳарлар, диний зиёратгоҳлар жойлашган кичик ва ўрта шаҳарлар, хунармандчилик уй-музейлари жойлашган кичик ва ўрта шаҳарлар, вилоят, республика, хориж аҳамиятидаги санаторийлар жойлашган кичик ва ўрта шаҳарларга бўлиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Муминов, А. Г. (1999). Национальная политика независимого Узбекистана и пути ее реализации в духовно-культурной сфере (теория и практика).
2. Tukhtaboeva D.E. Development Of Tourism Facilities In The Cities Of Uzbekistan (On The Example Of The Cities Of The Ferghana Valley) //The American Journal of Social Science and Education Innovations. Volume 3 Issue 04. 2021.-P. 349-352.
3. Tukhtaboeva D.E. Development Of Tourism Facilities In The Cities Of Uzbekistan (On The Example Of The Cities Of The Ferghana Valley) //The American Journal of Social Science and Education Innovations. Volume 3 Issue 04. 2021.-P. 349-352.
4. Наманган вилояти Норин тумани ҳокимиятининг 2016 йил жорий архив маълумотлари.

5. Андижон вилояти Хонобод шаҳар ҳокимиятининг 2012 йил жорий архив маълумотлари.

6. Ҳолиқова, Р., Махкамова, Н., & Тўхтабоева, Д. (2021). Ижтимоий-гуманитар соҳа вакилларининг тадқиқотларида урбанизация жараёнлари. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 78-81.

7. Mirzaxmedova, M., Tukhtaboeva, D., Egamberdiev, E., & Akmalova, G. (2022). STUDY OF PAPER TECHNOLOGY ON THE BASIS OF REED CELLULOSE. *Harvard Educational and Scientific Review*, 2(1).

8. Тухтабоева, Д. Э. (2018). Города Узбекистана в центре государственного внимания (на примере Ферганской долины). *Проблемы современной науки и образования*, (5 (125)), 40-43.